

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ 5 СЎМ



Яна ўша минг йиллик манзара такрорланди. Шоир айтганидек, кўк тоқидан қор эланди. Замин оқликка бурканди. Қалблар энтикди. Юмилган қабоқлар кўкка қадалди. Киприкларга илоҳий зарралар қўнди. Юраклар туйғуга тўлди.
Ҳамма шоир бўлди!

Суратчи: Абдул Ғани ЖУМА

Ўзбекистон
Республикасининг
ҚОНУНИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ
ТУҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

Конституция комиссияси тақдим этган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси тўлалигича қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 1992 йил 8 декабрдан бошлаб амалга киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **И. ҚАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1992 йил
8 декабр

Ўзбекистон
Республикасининг
ҚОНУНИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН
КУНИ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ ДЕБ
ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТУҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганини нишонлаш мақсадида Конституция қабул қилинган кун — 8 декабр умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни деб эълон қилинсин.

8 декабр дам олиш куни ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **И. ҚАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1992 йил
8 декабр

УШБУ СОНДА:

ТОШТЕМИР
ТОЙЛОҚОВНИНГ ОРЗУСИ...

3-БЕТ

НЕЪМАТ АМИНОВ:
ШОИРЛАР СЕМИРМАСИН

6-БЕТ



Кейинги сонларда

ТУРСУНОЙ ҚОЗОҚОВА:

САХАРОВГА АЙТГАН
СЎЗИМГА АФСУСЛАНМАЙМАН

«Оила ва жамият» 51 (69)

Бир куни

ОВРУПАЧА МЕҲМОНДОРЧИЛИК

Ушанда сув ўрнига ароқ ичиладиган замонлар эди. Пахтазордан, ярим кунлик бесамар ҳашардан қайта-ётиб, ҳамроҳининг қайси-дир идорада бошлиқ бўлиб ишловчи «акахон»ини зиёрат қилиб ўтадиган бўлди.

— Меҳмонни жуда яхши кўради, — деди ҳамроҳим у ҳақда. — Оврупача яшайди. Асли ўзи сурхондарёлик... Айтилганча бор экан, уй эгаси бизни хушнуд кутиб олди. Дастурхон ёзилиб, аччиқ-чучук, булка йон, санчки, бежиримгина қадаҳчалар пайдо бўлди.

— Нима ичасилар? — деб сўради мезбон.

— Сўраб бергунча, уриб бер деганлар, — деб жавоб қилди ҳамроҳим. — Нимангиз бор, ўзи?

— Хў-ўш, виски, ликёр, коньяк, ароқ — икки хилидан. Винони айтиб ўтирма-сам ҳам бўлар...

— Зўр-ку? Майли, виски ича қоламиз.

— Эшқобил! Эшқобил етти-саккиз ёшлардаги сариқсоч бола мўралади:

— Что, папа? — Энанга айт, бир шиша виски опкесин.

Эшқобилбой эшикни ёпди ва зум ўтмай яна очди:

— Папа, виски нэма? — деди туттила-туттила.

— Энанг биллади. Аммо Эшқобил укамиз ба-

рибир куруқ қайтди:

— Виски йок.

— Унда ликёр опкел! — пинагини бузмай жавоб қилди ота.

Бир пасдан сўнг ойнаванд эшик яна очилди:

— Тоже йок.

— Коньяк бордир!..

Лекин сал ўтиб маълум бўлдики, коньяк ҳам тугаган.

— Об-бо! — зардаси қайнагандек бўлди отанинг. —

Ароқ оп кел унда.

— Бошланиши, ёмон бўлмагани, — деди ҳамроҳим — Қани кўрайлик-чи, охири нима билан тугаркин. Бирок:

— Арак йок, — деб хабар берди ўғил.

Ота бош чайқади, аммо ранги ўзгармади:

— Майли, ўғлим, вино оп чиқаюл.

Бола хийла вақт жим бўлиб кетган, ниҳоят шиша билан қайтди. Қарасак, каттакон идишнинг ичида ярим пиёлача саргимтир суюқлик чайқалиб турарди.

— Хайрият-эй! — қувониб кетди мезбон. — Бор экан-сан-ку, болам!..

Вино икки пиёлага бир културдан бўлинди. Ичдик.

Лекин ўша тун уйда ит азобида уйондим — қорним буралиб оғрирди.

Жонқобил ЖУМА



СИЗДАН УГИНА...

Самарқанд вилоятида болаларни сариқ касалига қарши эмлаш бошланди. Бунинг учун зарур зардоб хориждан келтирилмоқда. Самарқандликлар дорини «Смит Клейк» Бельгия — Англия фирмасидан пахта толасига айирбошлади.

АЛЛО, НЬЮ-ЙОРК!

Худо хоҳласа, келаси — 1993 йилдан телефон гўшаги орқали шундай мурожаат қилсангиз ажаб эмас. Бунга Тошкентда ишга тушган халқро сунъий йўлдош алоқа станцияси имкон беради. Баҳоси ҳам унча қиммат эмас: Оврупа давлатларига сим қоқшининг бир дақиқаси 66 сўм турса, Амрико ёки Африкадаги биродарларингиз билан ҳасратлашув 129 сўмга тушади.

УДДАБУРРО ЭКАН

Хитойга тижоратга кетаётган андижонликлар гуруҳининг юклари ортилган машина Бишкекдан ўтар-ўтмас ёна бошлади. Сайёҳлардан бири юки ёниб кетгандан кейин Андижонга зудлик билан қайтиб келди ва яна Хитойда бозори чаққон бўлган моллардан харид қилиб, ўз гуруҳига етиб олди.

ПУЛ БИЛАН МАҚТАНМАНГ

Ўғриларга «ем» бўласиз. Ҳазорасп чайқов бозорида бир йигит сотувчи билан тортишиб қолди. Сотувчи аёлнинг «буни чўнтагида пули борлар олади», деган сўзи қаттиқ ботиб, у шу ердёқ ҳамёнидан юзта беш мингталик чиқариб, «керак бўлса, бозорингни сотиб оламан!» деб катта кетди. Ярим миллион рублни кўрсатиб мақтанаётган йигит киссавурлар эътиборидан четда қолмади. Улардан бири пайт пойлаб, бойвачанинг чўнтагида аёллар рўмолчасини сездирмай солиб қўйди. Шериклари бўлса уни бир зумда ўғрига чиқариб, теварагини ўраб олишди. Йигит даврани тарк этганда ёнида бир рубл ҳам қолмаган эди.

СИРГАЛИДАН — САУДИЯГА

Боринг имконияти пойтахтнинг Сирғали меҳнат биржасидан тақлиф этилмоқда. Саудия Арабистонида уй хизматчиси, мураббия ёки ҳамшира бўлиб ишга жойлашингиз мумкин. Фақат... инглиз тилини билсангиз кифоя.

БУГУНГИ ИШНИ ЭРТАГА ҚЎЙМА

Тошкент шаҳридаги Қўйлик бозори ёнида Жомеъ масжиди очилди. Шуниси қувончлики, бугунги кунда миллионлар эвазига ҳам тикланиши амри маҳол бўлган ушбу масжид қурилиши қарийб текинга тушди. Чунки хайрли ишга бош-қош бўлган саовоталаб инсонлар биноқурилишига керакли бўлган нарсаларни арзончилик даврида гамлаб қўйишган экан.

ЭҲТИЁТ БЎЛГАН ЯХШИ

Бухоро шаҳрида ишлаётган ҳиндистонлик беш фуқарода СПИД аломатлари аниқланди. Зудлик билан улар истиқомат қилган ерда тиббий тадбирлар ўтказилди, беморлар эса ватанларига жўнатиб юборилди, — дея хабар беради «Қашқадарё ҳақиқати» рўзмаси.



ЭГИЗАКЛАР

Суратчи: С. МАҲКАМОВ

БИР СЎЗЛИ ОДАМ

Шоймардон бувани эсимни таниганидан буён биламан. Косонда «Шоймардон араб» номи билан машҳур. Шундай деса ҳамма уни танийди, ҳурмат қилади. Бува 83 га кирди, 13 фарзанди, 200 дан ортиқ невара, қавара, звараси бор. Бу чўрткесар қариянинг оилада айтгани-айтган, дегани-деган. Мард, ғурурли одам.

Болалигимда, ҳар яқшанба кунлари дадам бозор қилгани кўпроқ мени бирга олиб кетардилар. Мен дадамнинг «Урал»ларига «Қоровул» бўлиб бозор ташқарисида қолардим. Буванинг уйи шундоққина бозорнинг рўпарасида жойлашган эди. Дарвозанинг олдида доим қизил курси кўр тикий турар, мен эса ўша курсидан кўрқардим... Сабаби, унга фақат Шоймардон буванинг ўзи ўтиргани ҳам салобати бошқача эди.

Шоймардон бувани кўпинча эрталаб, намозгар маҳали ва ҳар бозор кунлари қўлида ҳассаси билан ўша курсида ўтирган кўйи учратиш мумкин эди. У мол бозоридан кўйларни маърабати, ўжар сигирларни етаклаб кетаётган кишилар билан гаплашишни хуш кўрар, улардан бозордаги нарх-навои суриштирар, суҳбатдошининг

вақти бемалолроқ бўлса, бир пиёла чойга тақлиф қиларди. Буванинг бу муомаласи одат тусига кириб қолганидан ҳамма ўрганиб қолган эди.

Мен мотосиклда ўтиргачча буванинг ҳаракатларини жимгина кузатардим.

Йиллар ўтди, улғайдим. Энди бозорга мен эмас, укам Рашид борадиган бўлди...

Косонда Арабхона маҳалласи бор. У ердигиларни улкан оилага қийёслаш мумкин. Арабларнинг ҳаммаси бир-бирига қариндош. Қиз олиб-қиз бериш деган нарса камдан-кам ҳоллардагина бузилади. Шоймардон бува араблигидан жуда фахрланади. Сўзларни ҳам арабларга хос чўзиб-чўзиб, чиройли талаффуз қилади. Арабларнинг Косонга қандай қилиб келиб қолганлиги, уларнинг ҳозирги туриш-турмуши ҳақида у билан узоқ суҳбатлашаман.

— Мен Косонда бошпуртига (паспортига демоқчи) «араб» деб ёзилган ягона кишиман, — ғурурланиб паспортини кўсатади бува.

Шоймардон бувани чинорга, фарзандларини чинорнинг шоҳларига ўхшатаман. Унинг хеш-акраболари бутун Косон бўйлаб ёйилган. Дастурхонинг

бут, қўлингизда хунаринг бўлса, ҳаётинг ҳам ширин бўлади-да, дейишади улар.

— Чорва бизнинг жонимиз, — дейди Шоймардон бува. — Ғўштсиз ўтган кун ҳам кунми? Болаларнинг илғиги тўқ бўлса, насли бут бўлади.

Ҳақиқатан араб йигит-қизларини бир кўришда ажратиб мумкин. Йигитлари баланд бўйли, бақувват, қопқора, жингалак сочли, қорачадан келган, кўзлари ёниб туради. Қизлари ҳам ёшликдан чаққон, тийрак бўлиб ўсишади. Улар қизларни эрта турмушга узатишади. Удум шунақа. Аёл киши уй бекаси бўлиши, фарзанд боқиши, эрининг кўнглига қарashi керак. Рўзгорни тебратиш, бут қилиш эркак кишининг вазифаси.

Қадимдан биз томонларга келиб қолган араблар маҳаллий халқ билан неча асрдан буён бирга яшаб, биз ўзбекларнинг урф-одатларимизни ўз ҳаётларига сингдириб юборишган. Масалан, кийинишлари, маъракаларининг ўтказилиш тартиби, яшаш тарзи бир хил.

— Арабча сўзлашиш, ёзишни кўпчилгимиз билмаймиз, ҳозирги ёшлар бундан мутлақо беҳабар бўлиб ўсишяпти, — дейди ачиниб бува.

У бир сўзли одам. Айтган сўзидан ҳеч қачон қайтмайди. Кампирга «сени насиб қилса албатта Масковга олиб бораман» деб ваъда бериб қўйганидан кейин гапида туриб момони Масковга олиб борган ва икковлари Кремлнинг олдида суратга тушишган.

Шоймардон буванинг динга ихлоси баланд. Ғайратини кўриб ҳавасингиз келади. Шаҳарда қурилаётган масжидга шаҳсан ўзи бош-қош бўлмоқда.

— Бизнинг халқ ноҳақликка чидалмайди. Яхшилик қилсанг, араблар сенга жонини беришга тайёр туради, Емонлик қилсанг, худойини ўзи жавобини беради, — дейди у.

— Озунигиз нима? — Ҳаётимдан розиман. Ҳамма болаларимни ўқитиб, уйли-жойли қилдим. Армоним, бирдан-бир ниятим ҳаҳга бориб: Маккани зиёрат қилиш ва у ерда қондошларимни кўриш. Шоймардон бувага ишонман. Бу авлиё келбат нуроний буванинг орзуси ижобат бўлишига шубҳам йўқ. Чунки амалга ошмайдиган гапни бува ҳеч қачон озгиза олмас.

Марҳабо АҲМЕДОВА



Тоштемир ака билан кўнгироқлашиб, уйларининг манзилини олдим. Эшик кўнгироғининг тугмасини босшим биланоқ, Тоштемир аканинг ўзлари ним табассум билан кимлигини суриштирмасдан уйларига бошладилар. Меҳмонхонага ўтказиб қалин сўрашдилар. Сўхбатимиз тезда об-ҳавога кўчди. Тоштемир аканинг мулоҳазаларини эшитиб, касбига меҳр кўйган киши билан гурунглашаётганимни ҳис қилдим. Аммо, Тоштемир ака ҳақ деганда об-ҳаводан нарەққа ўтмасди.

Ва ниҳоят... Тоштемир ака мени тушунди.

— Отам Тойлоқ бобо биринчи тоифа Улуғ Ватан уруши ноғирони, 86 ёшда, онам Турсун момо эса 74 ёшда. Иккаласиям қарилик гаштини сураятдилар.

Отанин ҳовлиси ҳар йил янги йил ва Наврўз байрамларида фарзандлари ва набиралари билан тўлиб кетади. 50 йилга яқин чўпонлик тағини қўлдан бермаган отам, фарзандларининг барини ўқитди. Оилада беш ўғил, икки қиз. Укам Жўра Тойлоқов — Масковда етакчи дўхтир бўлиб ишлади, Тўра — қишлоқ хўжалик мутахассиси, Чори, Панжи — курувчи, Зулпин ва Зулайҳолар эса шифокор.

Ўзининг уч фарзандим бор. Катта ўғлим Бахтиёр — Тошкент Давлат иқтисод дорилфунунини ўқимокда, иккинчи ўғлим Шўхрат — Масков Давлат тиббиёт академиясининг туртинчи босқичида, қизим Феруза эса Тошкент тиббиёт институтида таҳсил олмакда. Учала фарзандим ҳам мактабни олтин медал билан тамомлаб, ўқишга битта имтиҳон топшириб киришган.

— Сизнинг номингизни эшитиш биланоқ одамлар юзида табассум таралади. Бунинг сабаби нимада?

— Менга бағишлаб кўплаб латифалар яратилди. Миниятураларда, «Экран хандаси», «Табассум»да менин номимни об-ҳавога боғлаб ичак узди ҳангомалар қилишар эди. «Муштур» саҳифаларида ҳам худди шунга ўхшаш манзарани томоша қилса бўлади. Атоқли санъаткорларимизнинг сайёҳаракати билан мен элимизнинг яқин одами бўлиб қолдим.

Халқ севган талантларнинг тилига тушиш жуда катта бахт. Уларнинг мен тўғримида айтган латифа ва пайровларини эшитиб, ҳазилига қулоқ тутиб, санъаткорларимизнинг усталигига қойил қилиб турган пайтларим кўп бўлган. Истагим, халқимиз бахтига улар доим омон бўлишсин. Сизга эса, эсимда қолганларидан биронтасини такрор бўлса ҳам айтиб бермоқчиман, албатта улар тилидан:

«Тойлоқов котиба қизга об-ҳаво маълумотини ёздирётганда: «Бугун Тошкентда кучли довул бўлиб, аввал ёмғир, кейин қор ёғади», дебди. Шу зумда котиба қизнинг ранги қув ўчиб:— Эртага синглимнинг тўйи бор эди,— деса, Тоштемир ака:— Эй, шундайми, бўлмаса Тошкентда ҳаво очик бўлади! Самарқандда кучли довул бўлиб, изидан қор аралаш ёмғир ёғади деб ёзинг, дебди.

— Ёмғир ё ёғади, ё ёғмай ўтади, деган гаплар халқ орасида кўп қулоққа чалинади!

Шундай меҳрибон одам эди, раҳматли.

— Моянгангиз қанча эди ўша турғунлик йилларида?

— 1200—1500 сўм атрофида бўларди.

— Далада ишлайдиган деҳқон 100 сўмни ойда бир марта кўрганида севинганидан шошиб қоладиган бир пайтда-я!

— Бизнинг ойликлар Масковдан тасдиқлангани учун ўша ёқнинг буйруғи билан ҳар ойда кўлимизга тегиб турарди.

— Тоштемир ака, бизга маълумки сиз Афғонистонда ҳам ишлаб келгансиз.

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмағида Афғонистоннинг Қобул Давлат дорилфунунини метеорологлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Дорилфунунда метеорология кафедрасининг мудирини бўлиб беш ярим йил ишладим. Студентларга об-ҳавонинг ўзриши билан боғлиқ бўлган фанлардан маърузалар қилдим. Афғонистон-

ида халқимизнинг энг кўп гапирадиган гапи об-ҳаво тўғрисида бўлсин.

— Болалиқни орзуларнинг диёри дейиш мумкин. Сиз шу диёрда нима-ларни хаёл қилгансиз?

— Олий маълумот олиш — болалиқ орзум эди. У вақтларда институтни битирган одам ҳамма сўхдани билади деб тушунар эдим. ТошДДА ўқиган кезларимда синоптока фани ҳам мураккаблигини англадим ва унинг чўққисига қараб ҳаракат қилдим...

— Янгам билан қандай танишгансиз?

— Янгангиз Баҳорой билан бир қишлоқда катта бўлганмиз. Отаниннинг опасини қизи. Янгангизнинг акаси билан биз фақат қариндош эмас, балки яқин дўст ҳам эдик, мен уларни кўриб, улар эса бизни кўриб тез-тез борди-келди қилиб турардик. Айтишадик, ота рози — худо рози, деб,

— Тоштемир ака, севимли шокири-

«ҚИМТИНИБ ТОЙЛОҚОВ БЕРАДИ ХАБАР»

— Аслида бу гап бизга тегишли эмас. Қозоғистон синоптиклари об-ҳаво маълумотларини беришаётганда: «Олмаотада ё ёмғир ёғади ё ёғмай ўтади» дейишган. Бу гапдан хабардор бўлган раҳбарлардан бири «Сиз ҳам Тошкентда шундай десангиз бўлмадимиз» деганди, холос.

— Телевидениега яна қайтишни мўлжаллаяпсизми?

— Об-ҳаво масаласи бизда негацир жуда жўн тушунилади. Одамлар ҳам худди шу тарзда «осон» қабул қилишади. Ривожланган мамлакатларда синоптиклар раҳбарларнинг диққат марказида туради. Улар билан ҳисоб-китоб қилишга, режадаги ишларни амалга оширишади. Кенг халқ ўртасида табиатнинг об-ҳаво билан боғлиқ сирларини тарғибот қилиш керак бўлса, мен ўз ишимни, тажрибамни сарфлашга доим тайёрман.

— Ҳозирги ишингиз ҳақида...

— Айни пайтда қишлоқ хўжалик институти атроф-муҳит муҳофазаси кафедрасининг мудирини, доцент, жўррофия фанлари номзодиман, толиб ва толибаларга маъруза ўқийман.

— Баъзи раҳбарлар томонидан сизга нега ёғингарчилик бўляпти деб танбеҳ қилишлар ҳам бўлган экан. Ёки кун иссиқ келган пайтлар сизларга мукофотлар ҳам берилган экан. Шу ростми!

— Об-ҳавони тушунмайдиган раҳбарлар тушунмасдан танбеҳ беришган. Баъзилари билиб-билмасдан Ўзбекистон районларининг ҳар биттасини алоҳида талаб қилишган. Оддийгина Тошкент шаҳрининг ўзида қаеридадир ёғиши ва қаеридадир ёғмаслиги мумкин. Тўғри, биз уни аниқлаб беришимиз мумкин. Аммо, қўшни ва чекка вилоятлар синоптикларининг ҳамма вақт ҳам тўғри анализ бериш имкониятлари йўқ эди. Мосламалар, қурилмалар ҳамма жойда бир хил эмас, қолаверса мутахассислик ҳам чўқур ўрганилмаган. Раҳбарлардан Шароф Рашидович раҳматли яхши одам эди. Шароф ака иш бошлашдан олдин албатта менга кўнгироқ қилар эдилар. Олдин ҳол-аҳвол сўраб кейин об-ҳавони суриштирдилар. Ярим соатлаб сўхбат қилган чоғлари бўлган. Шароф ака ҳеч вақт овозини баланд кўтариб гапирганини эслолмайман. Экинларни экиш олдида ва йғимтеримга киришишдан аввал мажлис қилганларида бизлардан маслаҳат олардилар. Мукофот масаласига келсак, у бўлган, ҳосил йғиб-териб олинганидан кейин давлат бюджетидан синоптикларга дея 180—200 минг сўмдан пул ажратдирганлари ёдимда.

нинг об-ҳавосига бағишлаб олтита мақола битдим, сўнг дари тилида чоп этдим. У ерда Беруний, Жомий, Навоий, Бойқаро, Мўйин Мирзо, Бобур, мусулмонларнинг муқаддас жойлари бўлган Мозори шарифдаги Ҳазрат Алининг қабри, Муҳаммад пайғамбаримизнинг чопонлари ҳозиргача сақланиб келинаётган Қандаҳордаги мачит, мусулмон динига катта ҳисса қўшган Абдулла Ансорий қабристонини бир неча марта зиёрат қилиб, дуо-лар қилдим. Ва Афғонистон — улўғ кишиларимизнинг хоки пойи қўйилган муқаддас ва табарруқ макон деган хулосага келдим.

— Ҳозир қандай орзулар оғушида-сиз?

— Англияда одамлар нима тўғрисида кўп гапиришади деб ойнаи жаҳон орқали савол беришибди. Аниқланишча, фуқаролар соғ-саломат, ишлари яхши бўлса энг кўп гапириладиган гап об-ҳаво тўғрисида бўлар экан. Менин ҳам орзум шу яқин йиллар

миз Абдулла Орипов сизга шеър ҳам бағишлаган экан:

— Ойнинг у ярмида ёмғир-қор ёғар,—

Қимтиниб Тойлоқов беради хабар, Мухбирчи ўқитар:— бизники зафар, Довда Бободеҳқон ҳақини олди!..

— А. Орипов, Э. Воҳидов — худо ёрлаққан одамлар. Уларнинг бир мухлиси сифатида шеърларини қайта-қайта ўқийман. Кейин севиқли адаби-миз С. Аҳмаднинг асарларини ўқиб роҳатланаман. Ўзбек халқини мазмундор шеърлари ва асарлари билан дунёга танитаётган инсонлар билан бир даврда яшаётганимдан жуда-жуда фахрланаман.

— Кейинги йилларда об-ҳаво қандай бўлади!

— Тадиқотлар шуни кўрсатадики, бундан кейинги йилларда намгарчиликнинг микдори ортиб, иссиқлик бироз пасайиб боради.

Муҳаммадали ИБРОҲИМ



— ЭРТАГА ҲАВО ОЧИҚ БЎЛАДИ!

Ҳаммаси ўша, сиз айтган — севги деган балоодан бошланди. Фарҳод мендан икки ёш катта, ён қўшни, қариндошлигимиз ҳам бор бўлиб, ёшликдан бирга ўйнаб-ўсганмиз. У мени доимо ҳимоя қилиб юрар, бирор юмуш чиқса ёрдамини аямади. Муносабатимиз ёшимиз улғайган сайин жиддийлашиб, у ўзининг синфга ўтгач севги изҳор қилди. Фарҳод жуда одобли, ақлли эди. Мен уни ҳеч кимга тенглаштира олмасдим.

Энди ўша пайтларни тушга ўхшатаман, бироқ шионалмайман.

Ушанда мактабимиз қизларини шаҳар-шифохонасига, текширувдан ўтказиш учун чақирди. Пешонамга қора тамга босилишини билганимда у жойларга қадам босмаган бўлардим. Одамларнинг тақдирини кимларнингдир қўлида ўйинчоқ эканини мана бугун, шарманда деган ном олиб, ҳаётим остин-устун бўлгандагина тушуниб етдим.

лари юлинган «келин» билан юз-кўзи қуқарган «куёв» чимилдиққа кирдик.

Фарҳод мендан нафратланишини билдириб, ҳеч қачон эр-хотин бўлолмаслигимизни айтгач, ҳавода муаллақ осилиб қолгандек эдим. Қанийди, мен илиниб турган илгак узилса-ю, ҳаётда мендан ном-нишон қолмаса. Отам ва акаларимнинг кўзлари қонга тўлган, бечора онам бўлса уятдан, изтиробдан бир парча бўлиб борарди. Бизлардан хабар олувчилар «куёв»нинг остонада тунашдан хабардор бўлишгач, яна таҳқирлаш, яна ўласи қилиб калтаклашлар бошланди. Тинимсиз кўзёши тукиши ва тақдиримга мине лаънат ўқишгагина қурбим етарди менинг.

Фарҳод фақат ўзи билан бир марта ўпишганимга амин бўлгач, ўша, бизни текширган шифохонага борамиз деб туриб олди. Эрталаб ҳар хил баҳоналар тўқиб иккимиз шаҳарга отландик. Фарҳод шифохонага кириб, ярим

ЎПИЧДАН БЎЛГАН БОЛА

Хуллас, текширув навбати менга келди. Урта ёшлардаги гинеколог хотин мени қайта-қайта текширди. Семиз, бесўнақай гавдали дўхтир опанинг ҳаракат қилганда жони койирди, чоғимда, малол келгандек менга қараб-қараб кўярди. Ниҳоят у совуқ нигоҳини менга тикди:

— Бола кимдан?!
Авалдиз тилим тош қотди, кейин кўз ёшларимни тиёлмайд қолдим. Ўқитувчи опамизни чақирди. У ҳам кела солиб шаңғиллаганча мени талаб ташлади. Гапирман десам улар сўз бермай мени «қопишар», гапир деганларида эса йуриқ бўзимга тиқиларди...

Қишлоқ жойини яхши биласиз. Шаҳардан келмасимиздан дув-дув гап. Агар итн мендайин калтаклашса, ўлиб қоларди. Одамзотнинг жони қаттиқ экан, ўломай қийналдим ўшанда.

Фарҳод ака билан яхши кўришганимизни онамга айтганим... даҳшат!

Бир ҳафта ўтар-ўтмас соч-

соатлар ўтгач қизарганча чиқиб келди.

— Қайта текширишди.
Ундан бу гапни эшитгач, яна ўша, биринчи галгидек титроқ бутун танамни қоллади. Ўзимни қўлга ололмай фақат йиғлайман, нега йиғлаётганимни ўзим ҳам тушунмайман.

Бу сафар ҳам жуда узоқ текширишди. Текширув тугагач, врачлар негадир жуда асабийлашиб қолди. Ўтган гал текширган хотин юзлари оқарган, асабий бўлиб, четда бармоқларини ўйнатганча, томошабин бўлиб турибди. Юрагим ёрилеу-дек тепа бошлади. Наҳотки бу ердан ҳам уни калтаклаб чиқаришса.

Кўп ўтмай сочлари тўзгизган, юзлари қизарган Фарҳодни уч-тўртта врач етаклаб чиқди.



тариб ариқ бўйига жўнадим. Ариқ олдида бир тўда қизлар челақ ушлаб, гурунлашиб туришган экан. Минг истиҳола билан юрагимни ҳовучлаб, қўлимда челақ, уларга яқинлашдим.

Қизлар мени кўришгач бўи челақларини қўлга олганча, сув ҳам олмай, шошиб уй-уяларига тарқалишди. Қандай уйга кирганимни бил-

майман. Худого шунча ёлворганларим бўлмади. Мўъжиза рўй бермади, ҳеч қачон одамларга ҳақиқатни тушунтира олмаслигимни тушундим.

Тун бўйи йиғлаганча онам билан хат орқали видолашдим. Мени изламасликларини ялиниб, ёлвориб сўрайдим...

У жимиб қолгач, поездининг бир маромдаги тақа-тақи қулогимга чалинди. Унга қарадим. Кўхликкина қиз. Кўзлари қизарган, тинмай ёш оқар, бунга у кўникиб қолгандек эди тўё. Бир яхшилик қилишни кўнглимга тугиб, унга яшашга жой ёки иш топиб беришни мумкинлигини айтдим.

— Йўқ, йўқ. Сиз овоза бўлиб, бошингизга бир бало орттирмаг тағин. Мен бир кунимни кўрарман. Шунча азоб берган худонинг бир яхши кўни бордир. Бу нарсаларни сизга нега ҳам айтдим!..

Вокзалга келгач юкларимни олиб, барибир пастанда уни кута бошладим. Қўлида унча катта бўлмаган сумкасини кўтарганча поезддан тушиб, у тўғри менинг олдимга келди.

— Илтимос, мени тинч қўйинг. Йўлингиздан қолмасдан кетаверинг!

У бутунлай ўзгариб қолгандек эди. Гаплари менга оғир ботди...

Шундан бери анча вақтлар ўтди. Ҳалигача нозиккўнглилик қилганим учун ўзимни койийман. Барибир кўнглимда унга нисбатан қандайдир ишонч, таскинга ўхшаш тўйғу бордай...

Ботир ЭРНАЗАР

Муҳаббат Алламуродова Сурхон дийёрининг Термиз туманида яшайди. Билимдон, генгдошларига қараганда анчагина сезгир, ҳаётга чанқоқ қиз. Афсуски ҳаётнинг аччиқ изтироблари уни оёқдан қолдирган. Бемехр отанинг онасига қилган зугумлари, унга нисбатан бефарқлиги ана шундай кўйга солди. Аммо у ҳаётдан орқада қолгани йўқ. Ўзининг геран фикрли мақолалари, жишқин шеърлари билан туман газетда қатнашиб туради. У кўпроқ одамлар орасида бўлишини орзу қилар эди. Яқинда унинг орзуси рўёбга чиқадиган бўлди.

Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Термиз туман қўмитаси Муҳаббат Алламуродовага қўл билан бошқариладиган аравача совға қилди. Аравачани қабул қилган Муҳаббатнинг кўзларидан дув ёш тўқилди. Бу севинч ёшлари эди.

Раҳим ТУРАҚУЛОВ,
Термиз

ЮРАК ТУБИДАГИ ОҒРИҚ...

Кўндан буён кўринмай қолган дугонамни учратдим. Эғнидаги келинлик либоси ўзига биром ярашиб турибди. Кўришиб, хол-аҳвол сўрашдик. Тўйига қатнашмаганимдан эрэзлади. Уни юпатиб оилавий ҳаётини сўрайман. У эса нолиб беради. Севиб турмуш қуриш шунақа бўлса-я?!

— Ахир уч йил бирга юриб, наҳотки...

— Қўй дугона, бўлмайди. Ажралмасам ўзимни бир иш қилиб кўяман.

Яна бир қадрдон дугонамдан хат олдим. У ҳам тўйига бормаганимдан хафа. (Нима қилай, боришнинг иложини тополмасам!) Дугонам билан бирга улғайган эдик, бир-биримиздан ҳеч ҳам сир яширмаймиз. Мана у хатда менга кўндан-кўп насихатлар

қилиб, ўзининг аҳволи ҳақида ёзибди... эри билан ажрашишмоқчи эмиш, сабаби бошқа бир йигитни севиб қолибди. «Е тавба» деб ёкамга қўл узатман. Булар кимлар?! Менинг дугоналаримми?

Хонадош дугонам йиғлаб уйга кирди. Сабабини сўрайман. Уйдагиларидан хат олибди. Ўзининг «ийқити»га эмас, бошқасига унаштириб қўйишибди.

— Суймаганимга қандай суйкалиб яшайман!.. — дейди ёлвориб.

Мен ҳам бу дуненинг ташвишига шерик бўлган бир қизман... Дугонамнинг ғам тўла кўзларига қараб жим турулмайман. Юрагим тубида оғриқ бўлиб келётган сўзларни унга омонатга бераман.

Дугонажон! Сен аёл бўлиб туғилганидан қувон! Бу дунё мисли бир чархпалак, ҳар кимни ҳар кўйга солаверади. Истайсанми, йўқми, барибир бўйсунмогинг шар!

Дугонажон!.. Сенда Она бўлишдек шараф борлигидан севин. Бугун ўзининг эмас, қора булут қоплаган осмонинг ширингина бир сўзи билан ёри-тадиган гўдагингни тўйиқ етим бўлишидан асра...

Дугонажон! Кимгадир суюкли бўлишинг менга аён. Бунинг учун монг руҳидаги покликни, онанг ўргатган ҳаё-иболи ўзбек аёлига хос садоқату вафони асра умрбод!

Лайло КАРИМОВА
ТошДД толибаси

«МЎЪЖИЗАЛАР МАЙДОНИ»

Ўтган якшанба кuni Тошкентдаги Тўқимачилар маданият саройи яна «Мўъжизалар майдони»га айланди. Навбатдаги шоу-дам олиш ўйини юракларга ҳаяжон солувчи муסיқа остида бошланиб, залда ўтирган томошабинлар орасидан савол бериш йўли билан дастлабки давра мусобақа иштирокчилари аниқланди. Шунчалик қизиқ саволлар танланган эканки, тўғри жавоблар топилгунча томошабинлар қотиб-қотиб кулишган вазиятлар кўп бўлди. Дарвоқе, саволлар туронзамин этнографиясига боғлиқ бўлди.

Ҳар бир гуруҳ ўйини якунлангач, жами уч марта томошабинлар ўртасида алоҳида мукофотли ўйин ўтказилди. Айтгандек, бу гал иккинчи гуруҳдаги бир ўрин ким оинди савдосига қўйилди ҳамда 2 минг сўмлик сотилди. Финал ўйинида қорақалпоғистонлик толиб Тозабой Нориматов-голиб чиқди. Ва тўпланган очколарига қараб умумий қиймати 4 минг сўмлик турли совға буюмларни танлади. Агар мағлуб бўлса ана шу совғалардан воз кечиш шарти билан шоҳ ўйинда иштирок этиш таклиф этилганда Тозабой ҳақиқий йиғитларга хос мардлик билан ҳеч иккиланмай рози бўлди. Барабан айлангилди. Ниҳоят унинг ўқи оқ-қора тасвири телевизор тикилган каттакка келиб тўхтади. Савол ўқилди. Ҳаяжонли дақиқа бошланди. Лекин... жавоб топилмади. Ўйин шартига кўра То-

забой шоҳ ўйинда ютқазганлиги сабабли финал совринидан ҳам маҳрум бўлиши керак эди. Аммо танги таъсисчи Баҳром Ҳақимов соврин эгасида қолдирилишини билдирди. Шундан сўнг уч нафар финал ўйини иштирокчиси саҳнага таклиф этилди. Ва... «Мўъжизалар майдони»нинг ҳомийси «Оила ва жамият» таҳририяти уларни ушбу газетнинг бир йиллик обунаси билан мукофотлади.

Дарвоқе, наватдаги ўйин 1993 йил 16 январь кuni, ҳар галгидек, Тўқимачилар маданият саройида ўтади.

Ҳа, «Мўъжизалар майдони»нинг дараги қўшиндан қўшинга, маҳалладан маҳаллага, тумандан туманга, вилоятдан вилоятга ўтиб шуҳрати ошгандан ошиб бормоқда. Навбатдаги ўйиндан бо- хабар бўлинг.

Сиз — доврқли корхона раҳбарлари, ишлари юришай-юришай деб турган жамоа бошқонлари, ишбилармону тижоратчи жаноблар! Ўз маҳсулотларингизни реклама қилман десангиз, савдо хизматингизга таклиф этишини, шоу-ўйин ҳомийси бўлишини истасангиз, қўйингки, томошабинлар, халқимиз бир соат мириқиб дам олсин десангиз «Мўъжизалар майдони»га марҳамат! Маълумотлар учун телефон: 53-36-65, 39-43-95, 22-34-07, 23-26-53.



МАДОННА БЎЛИШНИНГ БАҲОСИ

Амриколик машҳур хонанда Мадонна «ўзлигини» сақлаш учун бир йилда 300000 АҚШ доллари сарфлар экан. Рус рублига ҳаққанда 135000000 сўм дегани. Сочларининг пардози учун 19 минг, ич кийимлари учун 10 минг, гўзаллик салони учун 4 минг, тақинчоқлар учун 16 минг, оёқ кийимлари учун 26 минг, уст кийимлари учун 94 минг, овқатланиш учун 30 минг доллар, қолган пулларини эса машина, спорт, ҳаммом ва шунга ўхшаш майда-чуйдаларга сарфлар экан, деб ёзади Туркиянинг «СНОШ» журна- ли.

КЎНИКИШДИ

Туркияда энг кўп уй ҳайвонлари мушуклар саналади. Чунки, уларни ҳеч ким ўлдирмайди. Қолаверса, уларнинг тўхтовсиз кўпайиши учун шароит етарли. Овқатлари-овчилардан қолган балиқлар, ётадиган жойи-кучалардаги «Мерседес»лар ва «подваллар», деб хабар беради Туркияда- ги мухбиримиз Рустам Мардон.

БИТ БОЗОРИ ОЧИЛДИ

Павлодарда тижоратнинг нобъ тури вужудга келди. Эҳтиёж ва таклиф тақозоси билан шаҳардаги биринчи касалхона олдида бит бозори иш бошлади. «Мол» банкага солинган ҳолда сотилмоқда, ҳар бир сотувчининг қўлида лупаси бор. Акс ҳолда санокдан адашиб кетиш мумкин (Н. Г.).

БРЕЖНЕВНИНГ КУЕВИ КИТОБ ЕЗДИ

«Ҳаммамиз учун ҳурматли» марҳум Леонид Брежневнинг куеви, айни кунларда Нижний Тагил Маҳбусхонасида кучайтирилган тартибда жазо муддатини ўтаётган Юрий Чурбанов маҳбусликда туриб «Нима бўлган бўлса шунинг ёзаман» («Я расскажу...», как было) деб номланган эсдаликлар китоби битдилар. Китоб «Независимая газета» нашриётида 50 минг нусxada чоп этилди. Куев эсдаликларда Брежневнинг сиёсий бюро таркибидagi яқин сафдошлари хонадонлари, қай- нотасининг шарофати билан ўзи эгаллаган шон-шавкат ва, ниҳоят, 1987 йилнинг 13 январи, яъни қамалгунига қадар ва ундан кейин бўлган воқеа-ҳодисалар ҳақида батафсил ҳикоя қилган.

Энг муҳими китобда йигирманчи аср охиридаги эфир ва ашаддий муртад кимсалар—Гдляр ва Ивановларнинг қасофати билан олиб борилган «ўзбеклар иши» ҳақида ҳам батафсил, изчил ҳикоя қилинган.

Маслаҳатлар

Керамнинг шираси ё қайнатмасини кунжуқ ёғи билан қўшиб, томоқни чайқаса, томоқ оғриқларига фойда қилади. Керамни чайнаб, сувни сўрилганда, бўғилган овозни очади.

Қайнатмаси ва уруғи... бошнинг қасмоғига фойда қилади, керам шираси бурунга юборилса, миёни тозалайди.

Агар барги хомлигича сирка билан қўшиб ейилса, талоқ касаллигига учраганларга даво бўлади.

Халқ табобатчилигида сархил керам шарбатининг шакар билан аралашмаси юқори нафас йўллари-ни даволашда ва сарик, талоқ касалида истеъмол қилинади. Шарбатнинг уруғ қайнатмаси билан аралашмаси уйқусизликка даводир. Сўгал тез-тез керам шарба-ти билан артиб турилса йўқолиши осонлашади.

«...Шифобахш гиёҳлар»дан



Суратчи: Х. МАМАТҚУЛОВ



Ҳурматли Маъсуда Муродова! Қутлуғ 40 ёшингиз ҳамда ижодий фаолиятингизга 20 йил тўлиши билан чин юракдан табриклайман. Узоқ умр, каттадан-катта ижодий зафарлар тилайман!

Ҳамкасбингиз Нурмамат Алимуродов

Азиз дўстим Анаваржон! Тугилган кунингиз билан табриклайман. Келгусидаги



ўқиси ва ишларингизда улкан зафар тилайман. Доимо соғ бўлинг. Нарзулло!

Қизимиз Адибани 16-декабрда бир ёшга тўлиши муносабати билан оиламиз номидан табриклаймиз. Унга узоқ умр, бяхт-саодат ва соғлиқ тилаймиз деб отаси Абдусалом, онаси Зебо. Қамаш тумани, Баланд-чайла қишлоғи.



24 ЕШДА

Касбим ҳисобчи, Қашқадарё вилоятда яшайман. Фейлим оғир-босиқ, сабр-қаноатли. Бўйим 165 см. Пазандалик, бичиш-тикиш қўлимдан келади. Узимга муносиб йигитни учратмаганлигим бокс ҳали турмушга чиқмаганман. Қашқадарё, Сурхондарё вилоятда яшовчи, ёш 25—30 лар орасида бўлган, уйланмаган, аёл кишининг қадрига етадиган йигит билан танишиб, юлдузи-юлдузимга мос тушса, тақдиримни боғламоқчиман. Манзилимни таҳририятдан олишлари мумкин. «Оила-137» га деб ёзинг.

27 ЕШДА

Қарши шаҳридаги ташкилотлардан бирида ҳисобчи бўлиб ишлайман. Шахсий ҳовлим бор. Ака-укаларим уйли-жойли бўлиб кетишган. Олдин уйланганман. Кўнгилсизлик туфайли ажрашганмиз. Ибобли, оила тинчини ўйлайдиган муслима қиз билан танишиб, оила қурсам дейман. Олдин турмушга чиққан, бир фарзанди бўлса ҳам майли.. «Оила-138» га мактуб йўлланг.

20 ЕШДА

Сурхондарё вилоятданман. Тошкент тиббиёт олийгоҳида ўқийман. Ниятим, Қашқадарё вилоятлик гўзал ва оқила, пазанда, севгисига вафодор қиз билан танишиб, бутун умримни унга бағишлашдир. «Оила-139» бўлажак ёрнинг сурат ва мактубини интизорлик билан кутади.



НЕЪМАТ АМИНОВ:

ШОИРЛАР СЕМИРМАСИН

— Сиз билан кўпдан бери бир суҳбатлашиш илинжим бор эди. Агар рози бўлсангиз суҳбатимиз кўпроқ ҳажвий, андак жиддий тарзда ўтса. Шунинг учун баъзи саволларим сизга ёқмаслиги, ҳатто бироз жаҳлингизни чиқариши ҳам мумкин... бир амаллаб чидайсиз-да, энди устоз.

— Адангизга ўхшаб жуда камсукум, андишалисиз-да, Баҳромбек. Дастлабки саволингизданок «эти ўлдиришга» ҳаракат қиялсиз. Бемалол саволингизни бераверинг, чидашни орқа-олдин юради. Эсимда, биринчи тўпламим чиқиб осмонларга учиб юрганымда бир ўғлимдан ажралганман, вилотга радио эшиттириш кўмитасида бош муҳаррирликка буйруқ берилган кунлари бир дўстим аэроплан ҳалокатига учраб ҳалок бўлган. Умримда атиги бир марта чет элга саёҳатга чиқиб, хурсандчиликдан тўлиб-тошиб қайтсам, бош муҳарриримиз ишдан олинган, мени ҳам қувғинлар кутиб турарди... шунинг учун ҳам бошимга «Бахт қуши» кўнунда кўпам ҳовлиқмасдан, хавотир билан, шунанг қилиб яшашга одатланиб қолганман.

Бойлик масаласига келсак, ўзини билган ижодкор (ҳажвчи ҳам шунга киради) учун энг катта бойлик — юртининг тиқлиги, элининг эътирофи-ю ўзининг соғлиги.

Шу ўринда бир ҳаётий латифа. Ижоди ва тантилиги билан халқ орасида машҳур Толиб Йўлдош 1966 йил 25 апрел оқшоми зифатда жиндай отиб олиб, «Кеча тарозда ўзимни торттирсам, икки кило семирибман», деб улфатларига мақтанган экан. Уша куннинг тонготарида қаттиқ зилзила бўлибди. Ҳамма кўчага отилиб чиққан, кўплар ярим яланғоч. Шунда Озод ака Толиб Йўлдошга яқин келиб:

— Эй, Толиб ака, чорт побери, ҳамма семирса ҳам сиз семирманг экан, ернинг мувозанати бузилиб, зилзила бўлди, — дебди.

Айтинг, айтинг шоирлар семирмасин.

Дўстим Уткир Ҳошимов унвон олган куннинг эртасига табриклагани уйига бордик. Биз уни табриклар билан овора, Носир Фозилов келиндан сўраб қолди: «Ҳа, келин, қалай, Ўзбекистон халқ ёзувчиси зўр бўларканми?!...» Яхшии унвон олгандан кейин ўзини қандай ҳис қилаётганимни, қандай ўзгаришлар рўй бераётганини мендан эмас, атрофдагилардан сўраганингиз маъқул.

— Утмишда беклар, қозилар, сарой арбоблари, ҳатто шоҳларнинг кўпчилиги ижодкор бўлишган. Аммо улар орасида ҳажвчини тополмайсиз. Сабаби нимада!

— Бу саволингиз жиндай қалтироқ бўлмадимкин? Энди, ўзингиз ўйланг, ҳар қандай раҳбар

(майли, «Муштум» бош муҳаррири бўла қолсин) ҳуда-беҳудага қизиқчилик қилиб, ҳиринглаб кулаверса, одамлар унга қулоқ солмай қўйиши мумкин, унинг ҳар бир буйруқ ёки фармойишини «ҳа, буюм бир ҳазил-да» дея тушуниб, бажармай қўйишлари аниқ. Буни ўтмишдаги подшоҳлар ва ҳозирги баъзи раҳбарлар ҳажвиётдан батамом узоқ эканлар деб тушунмаслик керак. Улар орасида кулгини, зарофатни яхши кўрадиганлар кўп. Утмишда Бухоро амирлари, Қўқон хонлари саройида қизиқчи — ширинкорлар бўлишган. Улар ҳажв-кулги ёрдамида ҳукмдорларнинг кўнгли чигилини ёзиб билан бирга, уларни адолатга, ҳушёрликка чорлаб турганлар. Ўз навабатида уларнинг билиб-билмай қилган ҳазили ҳам маъзур тутилган.

Ҳажвчидан бировлар айтмоқчи «мансабдор» — муҳаррир чиқса, у қанчалик шўх, қувноқ ва ҳозир-жавоб бўлмасин вақти-вақти билан жиддий тортиб қоларкан. Бу жиддийликка мансаб курсиси эмас, балки елкадаги юк сабабчи.

— Тарихда ҳукмдорлар адиблардан вакил, элчи сифатида кўп фойдаланишган, ҳозир ҳам бу ҳол учраб туради. Мана Чингиз Айтматовни олайлик. Сизни элчиликка таклиф этишса, қайси мамлакатни танлаган бўлардингиз? Нима учун!

— Аввало элчи бўлиш учун тил билмоқ, махсус тайёргарликка эга бўлиш лозим. Камина сал-пал тожик тилини, ҳафсала қилсам, луғат ёрдамида немис тилини тушунаман. Шунинг учун вилка-қошиқни қандай тутишни ўргатишса Элмонияни танлаган бўлардим. Чунки Берлинда ўн икки кун бўлиб тил ўрганиш қобилиятимни синаб кўрганман.

— Ўзбекистон мустақалликка энди қадам қўйди. Янада мустақилроқ бўлиши учун энг олдин қандай ишларни, қай йўсинда амалга ошириш зарур деб ўйлайсиз!

— Ватанимиз янада мустақилроқ бўлиши учун бировлардек янги пул қиқариш керак. Ўзбекистон олтинини фалон нархда пулласса бўлади... дея ақл ўргатмоқчи эмасман. Буларга кўпам фаҳмим етмайди. Лекин бир нарсани аниқ тушунаман, ўтмишда ота-боболаримиз нима таҳлил бўлса ўша ни мўлк қилишга ҳаракат қилганлар. Менимча энг аввало ўзини этарли микдорда ғалла етиштириш чора-тадбирларини, сўнг мянга қувват бўлувчи қанд-шакар заводлари куриб, керак бўлса, олимларимиз, нафақат лавлағидан, балки жўхори пояси, узум, қовун-тарвуздан шакар олиш усулларини ўйлаб топсилар. Маданиятимиз ва маънавиятимиз учун энг зарур қоғоз ишлаб чиқарувчи фабрикаларни зудлик билан куриб ишга туширишни ҳукумат ўз назоратига олса. Мустақиллик — қоғозда эмас, балки «қоғоз мустақиллиги»га эришмоқ зарур.

— Юртимиз қайси турдаги сотқинлардан қандай азиятлар чекиб келгани очикроқ очилляпти. Қарамликдан қутулдик, бундан буюбига сотқинлик қандай тарзларда намоён бўларкин! Фикирингизни айтсангиз.

— Дўстнинг дўста билиб-билмай қилган сотқинлигини эҳтимол кечирса бўлар. Лекин, миллат, эл-юрт заволига қилинган сотқинликни ўтмишда ҳам, айниқса ҳозир сира кечириб бўлмайди. Шу пайтгача юртимиздаги барча беғона ва жайдари сотқинлар «қизил империя»нинг тўзиб кетмаслиги учун хизмат

қилишга маҳкум эдилар. Уша йиллари «даврадаги уч улфатдан иккитаси айғоқчи бўлган...» Бу гапни ўзим тўқиб чиқарганим йўқ, Урусия газеталари ва «ойна жаҳони»да минг мартабала айтиляпти. Айрим рост гапларни ёзиш у ёқда турсин, ўйлашда ҳам атрофимизга аланглаб олганимиз, ҳар қандай соя ва шарпалардан ҳадиксираб яшаганимиз ҳеч кимга сир эмаску. Қарамликдан қутулдик. Бу ҳали сотқинлик, айғоқчиликдан батамом қутулдик дегани эмас. Эндиги сотқинлар мустақил юртни таназуули учун ҳаракат қиладилар.

Яна бир масала. Четдан келаётган ва четдан чиқаётган кишилар учун бошпурт тизимини тартибга солиш керак. Бу идораларда турғунлик йилларининг ибораси билан айтганда тартибсизликка ҳали чек қўйилмади. Шундай фактлар борки, хорижга чиқувчи чайковчи аёл икки соатда бошпурт олгани ҳолда, фақир бир ёзувчи шу ишга икки ойлаб вақтини кетказади. Хориждан келаётган баъзи маст-аласт, СПИД, заҳмга чалинган ўзга миллат «чиркин-ди»ларини кучоқ очиб кутиб олиш ёмон оқибатларга олиб келади, деб ўйлайман. «Эркин дунё»га тақлид қилиб, юртимизни «шахри ҳалҳала»га айлантириш инсофдан бўлмас керак. Бойлам-бойлам ўрис пули ва дўллар эвазига осонгина уйли-жоили бўлаётган қоноқларни «Хў, аҳо, тапорнш, сохиб ёки гус-пўдин, кимсиз, аслингиз қаердан?» дея суриштириб қўйсак ёмон бўлмасди.

— Кўпинча одам қайсидир қилган ишидан аввал хурсанд бўлиб, кейин афсусланади. Сиз қайси қилган ишларингиздан аввал афсусланиб, кейин хурсанд бўлгансиз!

— Ёзувчи — кимнинг аравадига тушса ўшанинг ашуласини айтиб, жиндай мурувват кўрсатса лўлининг ҳам чилдирмасига шох ташлаб ўйнайдиган раққос ёки раққоса эмас, у шахс бўлиши керак. Ҳозирча каминга зўр ёзувчи бўла олмаган бўлсам-да, ўзимга хос «майдагина шахс» бўлишга уриниб келдим. Минг қатла шукрки, айрим раҳбарларни ялаб-ялкамадим, у ишдан кетган, унинг устидан мағзава ҳам ағдармадим. «Муштум»да тазийкларга учраб, «Наштардан «ўз аризмамга биноан» ишдан сурилиб, «уй қизи» бўлиб ўтириб қолганимда, кўп укаларим, дўстларим ўша пайтда марказқўмни «ётқиби-турғизадиган» опага бир хат ёзиб, гуноҳингизнинг йўқлигини тушунтириб, ҳамюртингиз ахир, албатта ёрдам беради, дея ҳол-жонинга қўйишмади. Минг азоб билан хатни ёзиб, бир-икки кишига ўқиб бердим, улар ўша даврнинг назари билан қараб, жиндай юмшатиб, дейишди. Юмшатиб... лекин, шу хатни жўнатмадим. Ана шундан хурсандман. Кўри-нишдан қувноқ ширин тил бўлганим билан, аслида хийла кўрс, андак такаббур, жиндай шарттакирокман. Оллох, шу кўсурлардан мени халос қилсин.

— Классик адибларимиз у ёки бу машҳур зотларга замондош бўлганларини фахрланиб ёзганлар. Сиз ҳам кимлар биландир ёнма-ён яшаётганингиздан қувонасизми!

— Бўлмасам-чи. Саид Аҳмад, Одил Екубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Уткир, Шуккур...

— Пулга муносабатингиз қалай! Уни асосан маргаларга сарфлайсиз!

— «Пул ўлсин-а, пул ўлсин!» Иншооллох, яқинда ўлиб ҳам қолар. Бундан бир йилча олдин ойлик маошга 250 сўмини иккига бўлиб олардим. Ҳозир ойликлар салкам йигирма хиссага ошиб кетди. Дастлаб катта маош олган кунимиз: «У, хайрият бизларнинг қўлимиз ҳам пул кўрарканку» деганимда ҳамма кулди. Уша заҳоти Олой бозорга ва тижорат магазинига бир кириб чиқдим-у, яна «тум-тум пролетар»га айландим қолдим. Чўнчак қўп-қуруқ, қўлда ярим-лаган халта. Авансгача ўн беш кун бор. Юрагим орқа тортиб кетди. Шу кунларда пулни асосан еб-ичишга сарфляппимиз. Аввалгидек китоб сотиб олиш ҳам йўқ. Палтўм эскирган, икки ойликдан чегирганимизни қўшиб, калтароқ бўлса-да битта куртка олиб қияйми дейман. Чунки, биз билан бир эшикдан кириб-

(ДАВОМИ 7-БЕТДА).



ТАБИАТ—БУЮК МУСАВВИР

Суратчи: Абдул Ғани ЖУМА

ДАВОМИ. БОШИ 6-БЕТДА.

чиқаётган брокерчи бойваччалар, сулув биржаохонимлар ҳам куртка кийишади. Шояд куртка туфайли бизга ҳам омад кулиб боқса...

— **Ўзбекистоннинг энг ўзига хос вилоятларидан бири бўлган Бухоро шеvasини адабиётга гуркиратиш олиб кирдингиз. Тошкентда бу шева вақт ашаш туфайли бу шева тобора унутиб юбормаясизми? Фарзандларингизчи! Оилавий мулоқотлар тасбирида бу шеваий ўзлаштираётгани сал бўлса ҳам сезилади!**

— Бу гўзал шеваий унутиб бўларканми?! Айниқса, Афғонистондан келиб кетаётган ўзбеклар ҳам нуқул шу шевада гапириб турганда. Бу шева бизнинг қонимизга ширин сут билан, Бухоро шўрқонининг гурди билан кирган. Мана йигирма йилдан бунён Тошкентда яшасан-да ҳалиям гоҳида тил ўша томонга тортиб кетиб, давראהдиларининг кулгисига сабаб бўлади.

Шу ўринда бир ҳаётий латифа: Бир кун Фитрат домлага шогирдларидан бири: «Домла, тил бўйича профессорсиз-у, ҳалиям гапирганда «га» билан «да»ни аралаштириб юборасиз-да» дея таъна қилганда, у киши кулиб:

— Э, биродар, агар сиз ҳам бизга ўхшаб Бухорода туғилганимизда эди, «га» билан «да» у ёқда турсин «ба-а!» деган бўлурдингиз,— деб жавоб берган эканлар.

Оилада (кеннойингиздан ташқари) болалар кўчада, мактабда нуқул «вотти-вотти» деб гаплашишади. Эшитиб туриб яйраб кетаман. Бухородаги неваралар эса тожикчани ҳам қийворишади... Тил билган яхши-да

— **Сайр-саёҳатга чиққини ёқтирасизми! Сизни кўпроқ қайси вилоятлар ўзига тортади? Нега у жойларни кўпроқ хуш кўрасиз!**

— Қани энди имкони бўлса-ю, эски бир хуржунни елкасига ташлаб, қўлга бир асони олиб, гўзал юртимизнинг энг чекка гўшаларини ҳам пою-пиёда кезиб чиқсам.

Ўзбекистон вилоятларининг ҳар бири алоҳида бир жаннатга қиёс қилгулик. Ҳажвчи ёзувчи сифатида водий (Фаргона, Андижон, Наманган) кишилариининг осмонгаф қаҳқасини, нозик такаллуфини, воҳа (Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё) одамларининг тағдор, бир-бирига яхши кулги-ю санъатларини, Хоразмининг шўх қўшиқлари, далиғули рақсларини хуш кўраман. Буни зинҳор бошқа жойларда кулги хурсандчилиги йўқ экан-да деб тушунамаслик керак.

— **Кейинги пайтларда сиз ҳам кам ёзадиган бўлиб қолдингиз. Шу боис, мухлис ва шогирдларингиз орасида ҳар хил таҳминлар юрибди. Кимдир, Неъмат ака ҳажвий рўмон ёзаётган бўлсалар керак деса, баъзи шумроқ шогирдларингиз қалам ҳақида бир боғ исирик ҳам бермайдиган замонда, тиркичилик деб бўш вақтнинг кўпроқ далада — деҳқончилик билан ўтказётган бўлсалар эҳтимол, дейишмоқда.**

— **Бу таҳминларнинг қайси бирига қўлингизни кўтарасиз!**

— Иккаласига ҳам қўл кўтармайман. Турғунлик даврининг мудроқ депутати эмасманки, бўлар-бўлмагса қўл кўтараверсам.

Кам ёзиш ҳақидаги саволингизга муружаат қилмоқчиман. Айтингчи, шу бесамар кунларда қайси бир ёзувчи мендан кўпроқ ёзаяпти? Қолаверса, қачина аввалдан сермаҳсул эмасдим. Ҳозир ёзувчи-шоирларнинг бирдан-бир нон ейдиган дастурхони газета-жўрнал бўлиб қолди. Уларнинг ҳам аҳволи ўзингизга маълум. «Қайта қуриш ҳикоялари» туркумидан бир тўплам тайёрлаган эдим, қайта қуриш ўтиб кетиб, илож

йўқлигидан чиқмай қолди, қўлимда яна бир тайёр нарсас бор, нашриёт директорига маслаҳат солган эдим, ҳомий топинг, деди. Ҳомий ахтаришга эриниб турибман. Начора. Вақти-соати келиб шу кунларда газета-жўрналларда эълон қилинаётган асарларимизни савобталаб бир авлод етишиб, алоҳида китоб қилиб чиқарар, деган умид билан яшашдан ўзга чора йўқ.

— **Бир донишманд: «Агар хотинлар маслаҳатига қўлоқ осиб, улардан наф кўрган бирор киши бор бўлса, у ҳам Одам Ато бўлади...» деган экан. Сиз ҳам шу фикрга қўшилиасизми!**

— Унчалик қўшилмайман. Чунки, Одам Атонинг жуфти ҳалоллари Момо Ҳаво шўро мактабда ўқимаганлар, олий маълумотлари ҳам бўлмаган. Уша донишманднинг фикрига қарши яна бир мақол бор: «Эр-хотин кўш ҳўкиз». Энди бу мақолнинг «мағзини чақиб», ўзича шарҳлайдиганлар топилиб қолиши мумкин. «Нега эр-хотин кўш ҳўкиз бўларкан? Эҳтимол эр — ҳўкиз бўлиши мумкиндир, бироқ гўзал хотин-қизларимизни эрларига қўшиб ҳўкизга тенглаштиришга ҳеч кимнинг ҳақиқи йўқ» дея аююнган солмасалар бўлгани.

Ҳар қалай, «космон йироқ, ер қаттиқ» бўлган, ўтқинчи бозор иқтисодиёти даврида эр-хотиннинг «қўш ҳўкиз» бўлиб, оила бўйинтуруғини баравар торгани маъқул. Шунинг учун ҳам келинкойинганининг айрим маслаҳатларига қўлоқ осадиган бўлиб қолдик.

— **Раҳмат, хайр, устоз.**

— Омон бўлинг, адангизни сўраб қўйинг, бўтам...

Баҳром Бек ОБИДЖОН
«Оила ва жамият»нинг махсус муҳбири

Бош муҳаррир:
Абдуҳошим ИРИСБҮЙ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ
Жуманазар БЕКНАЗАР
Дадаҳон ЕҚУБОВ
Муҳаббат ИБДООВА
Тўлқин ҲАЙИТ
Юсуф ЗИЁД
(Бош муҳаррир)
Ўринбосари)
Ботир ЭРНАЗАР

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ
Қувондиқ БЕРДИЕРОВ
Мейли ИҮЛДОШЕВ
Рўзимат САФОВЕВ
Абсалом АСАНОВ
Урол ҮЗБЕК
Асқар АЛЛАБЕРДИЕВ
Абдумуталлиб РИЗОҚУЛОВ

Таҳририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди.

Газетамиздан олинган маълумотлар «Оила ва жамият»дан деб кўрсатилиши шарт.

Газетамиз ҳомийлари —

Тошкентдаги СЭВИЖ тижорат жамияти,
Галлаорол туманидаги «Галлаорол»,
Муборак туманидаги Хитой давлат хўжалиги,
Сирдарё «Оқ олтин»
дон махсулотлари корхонаси
МАНЗИЛИМИЗ:

700029,
Тошкент — 29
Намоёншар хўбони,
1-бино.
Телефон:
39—43—95
Обуна
индекси «465.4
Буюртма 42

Ўзбекистон Республикаси «ШАРҚ» нашриёт — матбаачилик концерни
Тошкент шаҳри



— СҮЮНЧИ, СҮЮНЧИ БЕРИНГИ!

киши ҳам «осон» кўчмайди. Дастлаб, аёлнинг сочи бир чеккасидан қириб ташланган, уй супурилган, оила аъзоларига ювинишга рухсат этилган. Басо қабиласида хужрадан чиқиш тантанаси қоқ ярим тундан сўнг, соат уч билан бешнинг орасида ба-жарилган. Бунда аёл туғилган чақалоқни бағрига босиб хужра остонасига чўнқаяди. Супуринди ва ҳоказо чиқитилган чақалоққа тўшак вазифасини ўтаган банан япроғига тўпланади. Икки аёл шу япроқ-кўтликини она-боланинг тепасида тутиб туради, учинчи аёл япроқ устидан сув куяди, шу тариқа она-бола ювинади. Пировардида, она-болани ювинтиришда иштирок этган аёлларнинг бари биргаликда япроқ-кўтликини хужрадан анча олисга олиб бориб уни ахлат чиқиндилари

дай экан, ўша оламдан «келган» чақалоқ онасига қўшиб жуда эҳтиётлик билан бу дунёга қайтарилган. Кикуйю қабиласида чақалоқ туғилган хужрадаги супуридилар ва киндик қолдиқлари илгари ўзлаштирилмаган ерга кўмилиб устидан дон ва ўт-ўланлар ташланган. Бунда ўзлаштирилмаган ер ҳосилдорлик рамиз ҳисобланган, кўмилган нарсалар эса янги бўшанган аёлнинг оналик аъзолари келгусида янада соғлом, дурқун фарзандлар туғишига замин ҳисобланган. Кўпгина чақалоқларда ҳатто ўша кўмилган чиқитлар янги туғилган гўдакнинг укаси ёки синглиси саналади. Шундан бўлса керак, клан қабиласида шундай чиқиндилар ўғил туғилган бўлса хужранинг ўнг ёнига, қиз туғилган бўлса — чап томонига кўмилган. Ҳатто хужранинг ичига кўмиш ҳоллари ҳам учрайди.

Чиқитлар кўмилаётган пайтда, ота хипчин билан қазирилган жойни «савалаб» туриши, тўнғич қизлардан бири рортаси, «чақалоқ бизнинг уруғдан бўлса умри узоқ бўлсин, акс ҳолда икки кундан ошмай ўлсин» деб гапириб турадиган, йиғилганлар эса

уруғнинг насл-насабини баралла айтиб турадиган жойлар ҳам бор.

Туғиш чоғидаги чиқиндиларга янги чақалоқни қўшиб дафни этиш ҳоллари ҳам учрайди. Турли нуқсонлар билан туғилган чақалоқлар ғайритабиий кучлар ҳўкрмон бўлган ўзга оламнинг ўзига шу тариқа қайтарилган.

Вапаре деб аталадиган қабиллада олти бармоқли, муддатидан илгари туғилган, этизаклар, киндиги бўйнига ўралиб қолганлар, аввалги фарзанд беш-олти ойга тўлмасдан бурун қўшилиш натижа-сида пайдо бўлиб туғилган, оёғи билан туғилган, туғилётган пайтда қўл ё оёғи беҳосдан ерга тегиб кетган чақалоқлар чиқиндиларга қўшиб кўмиб юборилади.

Гўё бундай чақалоқларни асраб қолиш келгусида қабилла бошига кулфатлар келтиради, руҳлар бундай қабиллага тинчлик бермайди деб ҳисобланади.

Баҳридан ўтишга маҳкум чақалоқларни дафн этмай олис-олислардаги тоғ чўққиларига ташлаб келадианлар ҳам бор.

Урисчадан таржима

ҚАБИЛАДА ЧАҚАЛОҚ ТУҒИЛДИ

кўрсатилмайди. Ҳомиладор аёл бошқаларга овқат узатиши ҳам тақиқланган. Фарзанд туғиладиган пайтда эр-каклар авваллари қишлоқни ташлаб чиққан бўлсалар, эндиликда ҳодиса юз бераётган чайладан узоқлашиб турадилар.

Басо аёллари юқдан ҳалос бўлганларига қадар улар яшаётган уй супурилмайди. Кикуйю аёллари енгиллашиб уйдан ташқарига чиқмагунча оила аъзоларидан ҳеч ким дарёда ювиниши мумкин бўлмаган, узоққа кетмаган, уйдан уйга олов олиб чиқиш тақиқланган. Уғил туғилган бўлса беш кунгача, қиз туғилган бўлса тўрт кунга қадар она-бола хужрадан ташқарига чиқмайди.

Оналик бахтига мушарраф бўлган аёлнинг хужрадан чи-

билан ўраб, аввалдан қазиб ҳозирлаб қўйилган банан остига кўмишади. Улар япроқ кўмиладиган жойга бора-боргунларича чурқ этиб оғиз очиларини мумкин эмас, қайтишларида эса она-бола, ота турган хужрага баланд овозда гаплашиб, кулишиб келишлари талаб қилинади. Шовқин-сурон солиб қайтаётган аёлларнинг овозлари эшитилган замони она чақалоққа овоз чиқариб гапира бошлайди. Қабилдагиларнинг одатига кўра, шундай пайтда хурсандчилик қилинмаса, бола тунд, кўпол бўлиб улғаяр эмиш.

Бунга ўхшаш одатларнинг замиридаги тушунча шундаки, янги инсоннинг вужудга келиши ғайритабиий кучлар, ўзга оламлар билан боғлиқ деб ҳисобланган. Гарчи шун-

Тегирмон НАВБАТИ

МЕҲМОН ИСЛОМҚУЛГА



(КРИЛОВ ВА ХУДОЙҚУЛОВДАН
БОШҚАЧА)

Жанговар ФАОЛИЯТИ

Харсанг Чағиртошнинг кўксига қахрамонлик белгисини кўриб сўради:

— Тақсир, шундай юксак унвонга қайси хизматлари билан эришганлар?

— Мевачиликдаги жанговар фаолиятим билан эришганман.

— Тушунмадим. Мевачиликдаги жанговар фаолият нимадан иборат?

— Уйлارга пойдеворликдан бошқага ярамагандан кейин тушунармидинг,— деди Чағир тош катта кетиб.— Биздай ўткир тошлар мевали дарaxтларга отилиб турмаганида улар ҳаддан ошиб, меваси кўпайиб кетиши мумкин!

Харсанг узоқ ўйлаб, мевани камайтиришнинг қахрамонликка нима дахли борлигини тушуна олмади. Агар у қанчадан-қанча чағиртошлар мевали дарaxтларни майиб қилгани учунгина қаҳ-

рамон бўлишганини билганида, хайратдан ёрилиб кетармиди...

ЭШАКНИНГ ҲАРИЧИ

Урмонда ўтказилган гўзаллар танловида Ғоз жонотарнинг энг гўзали деб тан олинди. Бундан эшак қаттиқ норози бўлиб:

— Наҳотки, шу тасқара найза тумшук гўзал бўлса?— деб ханераб юборди.— Агар чиндан ҳам гўзал бўлса, қулоғи қани?!

Мартабанинг УЛУҒЛИГИ

Рўмолча костюм билан кўйлакни немсимасдан, елпинганича:

— Мен кичкина бўлганим билан сизлардан мартабам

катта,— деди, ўздан кетиб.— Улуғ бўлганим учун ҳам ҳар қандай одамнинг бурнини ишқаб қўйиш қўлимдан келади.

У ўзининг улуғлигидан ҳаволаниб, чўнтакка тушиши ўрнига кўкка кўтарилди-ю, шамолда учиб ерга тушди.

Бир зумдан кейин у оддий латтадай чангага беланиб, ўткинчиларнинг оёғи тағида қолиб кетди.

Қўлқопнинг ҚАДРИ

Қўлқоплар ўзaro ҳаволаниб:

— Бизнинг обрўйимиз жуда баланд!— дейишарди.— Мана ботинканинг обрўси бир чақага тенг, шунинг учун уларни ерда судрашади. Аммо бизни одамлар ер-кўкка шиномасдан, қўлларида кўтариб юришади!

Улар қачонгача қўлда юришни билишса эди...

МАМАТ-МЎЙЛОВНИ ТАНИЙСИЗМИ?

Кишлоғимизда қоп-қора мўйловиям кулиб турадиган, кўм-кўк кўзлариям афандинамо ишлари-ю, кулгули сўзлари ўзига ярашган Маматбой дегувчи киши бор. Бу ёлғонни чиндай, чинни худо ургандай гапирадиган, бошига тушган ёмон кундарниям қувноқлиги билан ўтказиб юборадиган содда-муғомбир одам ҳақида кишлоғимизда латифаномга ҳангомалар оғиздан-оғизга кўчиб юради. Мен уларнинг баъзиларини сизларга ҳавола қилмоқчиман.

Тонда юрган Кам ўзи!

Маскопга ҳам зиёрат, ҳам тижорат учун борган Мамат-мўйлов пойизга чиқа олмай меҳмонхонадан ялиниб-ёлвориб бир кеча тунашга аранг жой олибди.

— Сизга генерал ётган хонадан жой берамиз,— дебди навбатчи аёл писанда билан.— Хонага аста кириб, чироқни ёқмасдан ётасиз.

— Жиндай мизгиб олсам бўлди, фақат саҳарда уйғотиб қўясиз-да, пойизга кечиқиб қолмай,— деб тайинлабди мўйлов.

Айтган пайтда навбатчи секин хонага кириб, мўйловни туртиб уйғотибди. У чироқни ёқмасдан апил-тапил кийиниб, вокзалга югурибди. Лекин кўчада қаршисидан чиққан ҳарбий кийимли одам борки, унга ғоз туриб, кўлини шапқасининг соябонига кўйиб салом беришармиш. «Булар мен генерал билан бир хонада тунаганимни қаёқдан билишибди?» деб вокзалга етиб келиб, ичкаридаги кўзгуга қараса, ўзи савлатидан туя тиз чўкадиган генерал кийимида турибди-да.

— Вах!— дебди у пешонасига шاپиллатиб.— Бу товуқимия навбатчи мени уйғотиш ўрнига уйқутираб, бечора генерални уйғотган экан-да!

ҒАП ҲАМЁНДА

Мамат мўйлов хотини вафот этди-ю икки йилча иссиқ-совуқдан қоқилиб бетобланидиган бўлиб қолди. Улфатлари унга раҳм қилишиб, қўш-

ни кишлоқдан хушрўйгина бева аёлни топишди. Аввалига тегишга розилик берган аёл, мўйлов билан учрашувга чиққанида тантилиги кўзгаб:

— Менга қаранг, одам қарисаям кўнгли қаримас эканда-а? Кўёвликка даъво қилишдан аввал ўзларининг башараларини ойнада бир кўрсалар бўлармиди?— дебди захархандалик билан.

Аёлнинг кўполлиги мўйловни қаттиқ ранжитган бўлса-да, ўзини кўлга олиб:

— Сизга совчи кўйганимда бинойидек ёш кўринардим,— дебди кулимираб,— кеча фалокат босиб ҳамёнини кивасурга олдириб қўйдигу-у, башарамиз қаримсиқ бўлиб тиришиб қолса бўладими?

ЧАҚАЛОҚ ТУҒА- ДИГАН ХОТИНЛАР

Кўшниси Мамат мўйловни қўярда-қўймай, шаҳардан меҳмонлар келишди, гап бериб ўтирасиз, деб олиб чиқиб кетди. Кайфи ошиб қолган меҳмонлардан бири киноа билан мўйловга деди:

— Кишлоғимиз катта деб оғиз кўпиртирасиз! Катта одамлар туғилган жойни катта дейишади. Хўш, қолақ жойда катта одам туғилганми?!

— Ким билади дейсиз, элликка чиқибману, лекин бу ерда бирорта катта одам туғилганини эшитмабман.

— Буни мардларча тан олиш дейдилар!— меҳмон терисига сиғмай кетди.

— Тан оламан,— деди Мамат мўйловини кафти билан силаб.— Кишлоғимиз хотинлари негадир фақат кичкина чақалоқ туғишади!



Муаллиф: Илҳом ЗОИРОВ

ЯНГИ КОРХОНА ИШГА ТУШДИ!

Шаҳримизда лавозимидан ажралган бир гуруҳ амалдорлар бирлашиб, «Кўрсатма» корхонаси ташкил этишди. Тажрибали собиқ раҳбарлар мижозларга маълум ҳақ эвазига турли кўрсатма ва буйруқлар беришади. «Кўрсатма» корхонасининг хизматидан фойдаланиш!

РАШКЧИ ЭРКАКЛАР ДИҚҚАТИГА!

Умр йўлдошингизга Қийишқтепа пойабзал фабрикасининг этигидан олиб берсангиз, турмушингиз осойишта ва беҳавотир ўтади. Бу фабриканинг этигини кийган аёлга кўчада бегона эркаклар тугул жўҳитлар ҳам қарашмайди.



Муаллиф: Абилжон АБДУРАҲМОНОВ